

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ФАХРУТДИНОВ МУҲАМАДАЗИЗ ЗАЙНИДДИНОВИЧ

**ЦИТРУС (LIMON, MANDARIN, GREYPFUT)
ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ ТЕЗПИШАР, САНОАТБОП СЕЛЕКЦИОН
НАВЛАРИНИ ЯРАТИШ**

**06.01.05-Селекция ва уруғчилик ихтисослиги бўйича диссертация
химоясиз селекция ютуғи (ихтиро патенти) асосида қишлоқ хўжалиги
фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиши учун**

ТАҚДИМОТИ

Илмий маслаҳатчи:

б.ф.д., профессор С.Т.Жўраев

ТОШКЕНТ – 2023

КИРИШ (фан доктори (DSc) тақдимоти селекция ютуғи (ихтиро патенти) аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. “Дунё бўйича бугунги кунда цитрус мевали ўсимликлар 90 дан ортиқ мамлакатларда етиштирилиб, экспорт қилиш бўйича АҚШ, Бразилия, Япония, Италия, Аргентина, Туркия, Мароко, Мексика ва бошқа давлатлар етакчилик қилади”¹. Сўнгги йилларда глобал иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари натижасида очик ва ёпиқ шароитда цитрус мевали ўсимликларни етиштириш учун сарфланадиган ҳаражатлар ортиб бораётганлиги кузатилмоқда. Бу ҳолат маҳсулотдан олинадиган соф даромадга салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабли тезпишарлик ва цитрус мевали ўсимликларнинг касалликларига бардошлилик хусусиятларини аниқлаш орқали асосий ҳосилни совуқ тушгунгача бериш имкониятига эга бўлган цитрус мевали ўсимликларнинг қисқа муддатда пишиб етиладиган юқори ҳосилли навларини яратиш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Жаҳондаги цитрус мевали ўсимликлар етиштирувчи Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Грузия, Туркия ва Ўзбекистон каби етакчи мамлакатларда цитрус мевали ўсимликлар селекцияси йўналишида, қимматли хўжалик белгиларининг ижобий кўрсаткичларига эга бўлган янги навларини яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда бирмунча ютуқларга эришган ҳолда бугунги кунда тезпишар, касалликларга бардошли, ҳосил сифати юқори бўлган кўплаб цитрус мевали ўсимликлар навлари яратилмоқда. Цитрус мевали ўсимликлар селекциясида бир оилага мансуб навлар ва навлараро чагиштириш усулларини қўллаш орқали совуққа ва касалликларга бардошли тезпишар, юқори ҳосилли навларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича олиб бориладиган тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда мамлакатимизда лимонзорларнинг умумий майдони 2321,0 гектардан ошди ва йилига 63000,0 тонна лимон етиштиришга эришилиб,

¹ <https://floristics.info/ru/stati/2675-limon-v-domashnikh-usloviyakh-vyrashchivanie-iz-kostochki.html>

экспорт салоҳияти 11000,0 тоннага етди. Лимонзорлардан олинаётган ҳосилдорлик ҳар бир гектаридан ўртача 55-60 тоннани ташкил этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”²ги фармонининг 30-мақсадида «...Агрологистика марказларини ривожлантириш ва замонавий лабораториялар сонини кўпайтириш, уруғчилик ва кўчат етиштириш бўйича миллий дастурни амалга ошириш» каби муҳим устивор вазифалар белгиланган. Бугунги кунда цитрус мевали ўсимликларнинг тезпишар, турли хил касаллик ва зараркунандаларга бардошли, ҳосил сифати юқори бўлган навларини яратиш орқали уларнинг майдонини янада кенгайтириш, мавжуд майдонлар ҳолатини тубдан яхшилаш, уларни кўпайтириш ва етиштириш тартибларини илмий асосда ташкил этиш селекционер олимлар олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 мартдаги ПҚ-3586-сон “Ўзбекистон Республикасида лимончилик соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 19 февралдаги ПҚ-4610-сон “Лимончилик тармоғини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2021 йил 20 декабрдаги ПҚ-55-сон “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқотлар муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.

² <https://lex.uz/uz/docs/-5841063>

Цитрус ўсимликлар селекцияси усулларида кенг миқёсда фойдаланиб янги навлар яратиш бўйича илмий тадқиқотлар нафақат навларнинг тезпишарлиги ва ҳосилдорлиги, балки бошқа қимматли хўжалик белгиларини яхшилаш, стресс омилларга бардошлиликка йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан Texas A&M University-Kingsville (АҚШ), Toronto School of Management (Канада), Билькент университети (Турция) цитрус ўсимликларини етиштириш бўйича изланишлар олиб борилмоқда.

Цитрус ўсимликларининг ҳосилдорлик ва витаминлилик даражасини ўрганишга оид жаҳонда олиб борилган изланишлар натижасида қатор илмий натижалар олинган (Agricultural Research Institute, Braziliya, Turkiya), тезпишарлик, турли стресс омилларга бардошлилик имкониятлари яратилган (Institute of Ecology and Geography, Хитой), интрогрессив шаклларнинг қимматли хўжалик белгилар бўйича шаклланиши (Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон).

Дунёда цитрус ўсимликларини тупроқ-иқлим шароитида цитрус навларни наводорлигини ошириш ва юқори ҳосилли кўчатчилик хўжалигини ташкил этиш учун етарли миқдордаги наводорлиги юқори бўлган оригинал кўчатлар тайёрлаш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: етиштиришда тезпишар, юқори маҳсулдор, касалликларга бардошли, сервитамин ва бошқа қимматли хўжалик белгиларга эга бўлган янги цитрус ўсимлик навлари яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунга қадар тезпишар, юқори маҳсулдор, касалликларга бардошли ва бошқа қимматли хўжалик белгиларга эга бўлган янги цитрус мевали ўсимликлар навларини яратиш бўйича жаҳонда кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Японияда Т.Танак, Россияда И.В.Мичурин (1954), Н.И.Вавилов, К.А.Тимирязев (1883), А. Рихтер (1990), И.И.Лаврийчук (1945), А.М.Луговцев (1935), В.М.Горшков (1985), Н. Г.

Фомовский (1964), Ф.В.Садикова (1954), Тожикистонда Х.Ю.Юсуфбеков (1960), Н.Н.Букин (1957), Грузияда Н. М. Мурри ва Г. Д. Чхаидзе (1990), Америка Қўшма Штатларида Daniel S. Rokhsar (), Валенсияда Manuel Talon (2000) ва бошқаларнинг ишлари шулар жумласидан ҳисобланади. Цитрус авлодининг таснифи билан ҳар хил даврда кўплаб систематик олимлар шуғилланишган: Галлезлио (1811), Декандоль (1824), Энглер (1897), Свингл (1943), Лусс (1947), Танака (1954). В.П. Алексеевнинг (1982) фикрича, ширин мевали навлар кечроқ яратилган.

Шу жумладан, Ўзбекистонда кенг қамровли илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишлардаги изланишлар селекционер олим агроном З. Фахриддинов (1974), В.И.Цулая (1990), У.Э.Эшонқулов (1981) , Е.С.Чхотуа (1984), Н.З.Фахрутдинов (1991), М.З.Фахрутдинов (2009) ва бошқалар томонидан олиб борилган ва олиб борилмоқда. Ўзбекистонда иқлимлашган районлашган тезпишарлик бўйича селекция ишларида бирмунча юқори ютуқларга эришганлигини таъкидлаш жоиз. Сўнгги йилларда турли иссиқхона иқлим шароитларига бардошли бўлган янги шаклларни аниқлаш ишлари доимо олимларнинг диққатида бўлиб келмоқда.

Аммо, юқоридаги эришилган ютуқларга қарамай, экологик муҳитнинг ўзгариб бораётганлиги, селекционер олимлар томонидан бу йўналишлардаги илмий изланишларни замонавий усулларни қўллаган ҳолда назарий ва амалий жиҳатларни чуқур ўрганиш орқали амалга оширилиши зарур эканлигини кўрсатади.

Тадқиқот мавзусининг иш бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети илмий-тадқиқот ишларининг 5 йиллик (2021-2025 йй.) илмий тадқиқот ишларининг режасига киритилган бўлиб, «Қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси ва уруғчилиги» тематик режасининг 5-бўлим “Цитрус, субтропик ва тропик ўсимликлар селекцияси ва кўчатчилиги” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади цитрус ўсимлиги селекциясида бир оилага мансуб навлар ва навлараро чатиштириш усуллари қўллаш орқали совуққа ва касаллик ва зараркунадларга бардошли тезпишар, юқори ҳосилли, асосий ҳосилини сентябрь-октябрь ойлари муддатида берадиган навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Бир оилага мансуб навларни, баҳолаш ҳамда танлаш орқали касалликка ва зараркунадаларга бардошли селекцион ашёларни яратиш;

келиб чиқиши бир оилага мансуб бўлган навларни пайвандлаш ва чатиштириш орқали олинган селекцион материалларда танлов ишларини олиб бориш;

янги яратилган цитрус навларни наводорлигини ошириш ва юқори ҳосилли кўчатчилик хўжалигини ташкил этиш учун етарли миқдордаги наводорлиги юқори бўлган оригинал кўчатлар тайёрлаш;

келиб чиқиши бир оилага мансуб бўлган навларни пайвандлаш ва гулини гулига чатиштириш асосида янги навлар яратиш;

яратилган янги цитрус ўсимлик навларини давлат нав синови ва ишлаб чиқариш синовларига топшириш, иссиқхоналар, фермер тадбиркор ҳамда агрокластер хўжаликларига жорий этиш учун тавсия этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Муҳамадазиз Азим Мустафо нур хусусий фирмасидаги З.Фахриддинов номидаги цитрус ўсимлик навлари селекция ишларини олиб бориладиган лабораториясида лимони Ф-1 Тошкент ва лимони Ф-2 Юбилейний навлари, шунингдек, бир оилага мансуб назоратдаги лимон Лисабон, Пандероза нави, апельсин Гамлин нави, мандарин Клемантин Уншу нави ва грейпфрутни помело навлари коллекцион навларидан ташкил топган цитрус ўсимликлар селекцияси лабораторияда иқлимлаштириш бўйича намунаси ва улар иштирокида олинган дурагайлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, турли пайвандлаш ва чатиштириш усуллари, цитрус ўсимликларни баҳолаш, қимматли-хўжалик белгиларини ўрганиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишларида олинган рақамли натижалар Х.Ч.Бўриев ва бошқаларнинг “Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси”, (2014), Полегаев В.И. “Методы оценки качества плодов и овощей” Методические разработки (1978), Федурко Т.А. “Выращивание клоновых подвоев и посадочного материала плодовых и ягодных культур из зеленых черенков” рекомендации (1992), М.Тарасенконинг “Размножение плодовых растений методом зеленого черенкования побегов” (1969), С.А.Остроухованинг «Мевали ва резавор мевали экинлар кўчатларини етиштириш бўйича услубий кўрсатма» ларида келтирилган тавсия ва услублар бўйича ўтказилган, дала тажрибаларидан олинган натижаларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel компьютер дастури ёрдамида Б.А.Доспехов услуби бўйича ҳисобланган (1995).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротаба цитрус мевали лимон, мандарин ва грейпфрут ўсимликларининг бир оилага мансуб бўлган янги навларини навлараро пайвандлаш ва чатиштириш усуллари орқали тезпишарликни 270 кундан 210 кунга қисқариши, цитрус мевали ўсимликлар бўйининг баландлиги 5-10 метрдан 275 см пакана ўсувчи ҳолатга келиши, ҳосилдорликни ҳар бир тупидан 30-40 килограмм ўрнига 60-100 килограммгача етиши ҳисобига янги серҳосил селекцион навлар ва тизмалар яратилган;

цитрус мевали ўсимликлардан пакана ўсувчи лимоннинг Турон ва ZM-San'at, грейпфрутнинг З.М Юбилейный ва Ренесанс III, мандариннинг Янги Ўзбекистон каби навларда тезпишарлик, юқори ҳосилдорлик, касаллик ва зараркунандаларга бардошлилик хусусиятларининг мавжудлиги аниқланган;

цитрус мевали лимон, мандарин ва грейпфрут ўсимликларининг янги яратилган навларини Тошкент, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларининг

тупроқ-иклим шароитларида иссиқхонада етиштиришга мослиги, ҳосили истеъмолбоп ва экспортбоп талабларига тўлиқ жавоб бериши билан бошқа назорат навларидан устунлиги тасдиқланган;

мандариннинг Янги Ўзбекистон мандарини нави, грейпфруктни помело ZF Юбилейный ва грейпфрут помело Ренессанс III навлари, лимони Турон ва ZM-San'at навлари яратилиб, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг селекция ютуғига патентлар олинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот ишларида олиб борилган изланишлари натижасида тезпишар, серҳосил цитрус ўсимлиги янги навлари яратилган;

тезпишар, юқори ҳосилли, пакана ўсувчи ҳамда касалликларга бардошли, юқори ҳосил сифатига эга бўлган ширин сервитамин, серҳосил, касалликларга бардошли, иссиқхонага мос, цитрус мева сифати ва ҳосили юқори бўлган мандаринни «Янги Ўзбекистон мандарини» мандарин нави, грейпфруктни помело ZF Юбилейный ва грейпфрут помело Ренессанс III навлари, лимоннинг Турон ва ZM-San at навларига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг селекция ютуғига патентлар (мандаринга NAP 00367, грейпфрутга NAP 00366 ва NAP 00379, лимонга NAP 00368 ва NAP 00369) олинган.

Олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижасида яратилган цитрус ўсимлиги, серҳосил, касалликларга бардошли ва иссиқхона шароитига мос, цитрус мева сифати ва ҳосили юқори бўлган мандариннинг Янги Ўзбекистон мандарини нави, грейпфруктни помелонинг ZF Юбилейный, лимоннинг Турон ва ZM-San'at навлари 2021 йилда Давлат Реестрига киритилган: грейпфрут помелонинг Ренессанс III нави эса 2022 йилда Давлат Реестрига киритилган;

мандариннинг Янги Ўзбекистон мандарини нави, грейпфрукт помелонинг ZF Юбилейный ва Ренессанс III навлари, лимоннинг Турон ва ZM-San'at навлари ўзининг тезпишарлиги, ҳосилдорлигининг юқорилиги билан назоратдаги бошқа навлардан устунлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ўтказилган иссиқхона тажрибалари 3 қаторда 11 дан 33 цитрус ўсимлигида олиб борилган бўлиб, апробация кўригида ижобий баҳоланганлиги ва бирламчи ҳужжатларнинг мавжудлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, илмий-тадқиқот ишларидан олинган маълумотларни математик-статистик таҳлил қилинганлиги, тадқиқот натижаларини республика, халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, илмий нашрларда чоп этилганлиги ҳамда натижаларни амалиётга жорий этилганлиги тадқиқот натижаларининг ишончлилигини асослайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти бир оиллага мансуб цитрус ўсимликларни чагиштириш услублари орқали яратилган янги цитрус ўсимликларни тезпишар, серҳосил, касаллик ва зараркунандаларга бардошли навларни яратишда пайвандлаш ва чагиштириш услублари юқори самарали эканлиги, серҳосил пакана ўсувчи навларга ва бошқа белгилари бўйича баҳо берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти олиб борилган изланишлар асосида цитрус бир оиллага мансуб асосий ҳосилини октябр ойида берадиган тезпишар, ҳосилдор, ширин мазали бўлган мандариннинг Янги Ўзбекистон мандарини нави, грейпфрут помелонинг ZF Юбилейный ва Ренессанс III навлари, лимоннинг Турон ва ZM-San'at навларини яратилганлиги, районлашган мандарининг Янги Ўзбекистон мандарини нави, грейпфрут помелонинг ZF Юбилейный ва Ренессанс III навлари, лимоннинг Турон ва ZM-San'at навлари Республикаимизнинг барча вилоятлари иссиқхоналарида турли тупроқ-иқлим шароитларида ишлаб чиқаришга кенг жорий этилиб, юқори ҳосилдорликка эришилганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бир оиллага мансуб цитрус мевали ўсимликлар навларини турли усулларда пайвандлаш, чагиштириш орқали янги яратилган навларни самарадорлигини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

янги яратилган цитрус мевали ўсимликлардан тезпишар, серҳосил, касалликларга бардошли мандарининг Янги Ўзбекистон мандарини нави, грейпфрут помелонинг ZF Юбилейный ва Ренессанс III навлари, лимоннинг Турон ва ZM-San'at навлари Тошкент, Самарқанд ва Сурхандарё вилоятлари шароитларида иссиқхоналарда экилиб, навдорлиги юқори бўлган кўчатлари вегетатив усулда қаламчалардан кўпайтирилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 26 январдаги №07/23-06/85-сон маълумотномаси). Натижада, янги яратилган цитрус мевали ўсимликлар навларидан селекцион изланишларда фойдаланиш ҳисобига янги донорлар яратиш учун ўтказиладиган тадқиқотларда кенг миқёсда фойдаланиш имконини берган.

Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманида лимоннинг Турон ва ZM-San'at навлари кўчатлари 0,04 га, мандариннинг Янги Ўзбекистон мандарини нави кўчатлари 0,02 га ва грейпфрут помелонинг ZF Юбилейный ва Ренессанс III навлари кўчатлари 0,04 га майдонга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 26 январдаги №07/23-06/85-сон маълумотномаси). Натижада, ўртача 1 туп ўсимликдан 40-45 кг гача ҳосил етиштирилган. Жами, 100 туп цитрус мевали ўсимликлардан 4200 кг маҳсулот етиштириб, ўртача 63 млн сўм даромад олишга эришилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал Мулк Агентлигидан лимоннинг Турон навига 24.08.2021 йилда (№NAP 00368), ZM-San'at навига 24.08.2021 йилда (№ NAP 00369), мандариннинг ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАНДАРИНИ навига 23.08.2021 йилда (№NAP 00367), грейпфруктни помелонинг ЗФ Юбилейный навига 23.08.2021 йилда (№NAP 00366) ва Ренессанс III навига 08.10.2021 йилда (№NAP 00379) патентлар олинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази томонидан ижобий баҳоланган ҳамда тадқиқот

натижалари бўйича 16 та, жумладан 6 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 5 та патент, 7 та илмий китоб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан 13 таси маҳаллий ва 4 таси нуфузли хорижий журналларда нашр қилинган.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотлар Тошкент вилояти Кибрай туманидаги Муҳамадазиз Азим Мустафо нур хусусий фирмасидаги З.Фахриддинов номидаги ёпиқ шароитдаги иссиқхонада, цитрус ўсимлик навлари селекция ишларини олиб бориладиган лабораториясида, янги яратилган цитрус ўсимлик навларини кўчатларини қисқа муддатда илдиз оттиришда ЎзР ФА ПКФИ (Ўзбекистон Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физика институти) да олиб борилган. Изланишлар “Цитрус, субтропик ва тропик ўсимлик етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар” уюшмаси ишлари режалари билан боғлиқ бўлиб, уларни кўпайтириш ҳамда етиштириш тартибларини илмий асосда олиб борилган бўлиб, асосан цитрус ўсимлигининг тезпишар, серҳосил, касалликларга чидамли янги навларини яратишдан иборат.

Морфобиологик ва қимматли хўжалик белгилари цитрус ўсимликларида

Цитрус ўсимлиги етиштиришнинг энг долзарб вазифалари бу эртаги тезпишар, пакана ўсувчи, касалликларга чидамли, серҳосил бўлган янги навларини яратишдан иборат бўлиб ҳозирги кунда тадбиркор фермерларимиз олдидаги асосий муаммоларни бартараф этишнинг асосий омилларидан бўлиб ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида цитрус ўсимлигининг ушбу белгилари наслдан наслга қандай таҳлил қилиш каби вазифани юклайди.

Тезпишарлик цитрус ўсимликларида. Янги тезпишар эртаги бир оилага мансуб лимон, апельсин, мандарин, грейпфрут ва бошқа цитрус навларни яратиш, ишлаб чиқаришдаги жуда кўп муаммоларни ечиш имкониятини беради. Жумладан, эрта пишиб етилган цитрус меваси сифатли бўлиб, ўз навбатида ҳосилнинг асосий қисмини октябр ойида ҳосилини териш кейинги ҳосилга новдаларга куч ва эрта дам олиш имконини беради, шу жумладан кейинги йилги ҳосил серҳосил бўлиб эрта-тезпишар белгисининг ирсийланиши кузатилади.

Янги цитрус ўсимликлари мураккаб организм бўлиб, ўзида қатор кўп хусусиятларни мужассамлаштирган бўлади. Табиатда ушбу белгилар ҳеч қачон бир турда ёки шаклда мужассамлашган бўлмайди. Ушбу белгиларни бир генотипга йиғиб, ягона нави яратиш эса селекционерлар ва генетик олимлардан жуда оғир ва машаққатли меҳнатни талаб қилади. Бу жараёнда олим минглаб туркумлардан керакли бўлган цитрус ўсимликни танлай билиши ва ундан сўнги босқичларда тўғри фойдалана олиши керак бўлади.

Олиб борилган тажрибамизда янги яратилган цитрус навларида тезпишарлик кўрсаткичи ўрганилди (1-жадвалга қаранг).

Цитрус ўсимлиги бўйининг баландлиги бўйича лимонни «Турон» нави 2 м 75см, лимони «ZM-San at» нави 2 м 80 см, грейпфрут помело «ZF Юбилейный» нави 2 м 80 см, грейпфрут помело «Ренессанс III» нави 2 м 80 см, мандарини «Янги Ўзбекистон» нави 2 м 50 см ларида кузатилиб назорат навлардан паст пакана ўсувчи натижаларни ташкил этди.

Цитрус ўсимликни иссиқхонага экилгандан 50% гуллашигача бўлган давр бўйича лимонни «Турон» нави, лимонни «ZM-San at» нави, грейпфрут помело «ZF Юбилейный» нави, грейпфрут помело «Ренессанс III» нави, мандарини «Янги Ўзбекистон» навлари кузатилиб, цитрус ўсимлик назорат навлари янги яратилган навга нисбатан 1-2 кунга эрта гуллаганлиги аниқланди. Иссиқхонага экилган кўчатларни 50 % ҳосили пишиб етилиши бўйича цитрус

ўсимлиги навлари ўртасида кескин фарқ кузатилди ва бу давр 200 кундан 210 кунгача бўлган бўлса, назорат навда бу кўрсаткич 270 кунни ташкил этди.

Энг юқори тезпишарлик кўрсаткичи лимони «Турон» навида (200 кун) ва лимони «ZM-San at» навида (205 кун) «грейпфрутни помело ZF Юбилейный» навида (207 кун) ва грейпфрут помело «Ренессанс III» навида (210 кун) мандарини «Янги Ўзбекистон мандарини» навида ҳам (210 кун) кузатилди. Назоратдаги цитрус ўсимлиги лимони «Лиссабон» нави лимони «Пандероза» нави «грейпфрутни помело» нави ва мандарини «Клемантин» навларида эса (270 кун) кеч ҳосил пишиб етилиш белгисининг ирсийланиши тажрибаларда кузатилди.

Бир оилага мансуб цитрус ўсимликларида тезпишарлик бўйича асосан оталик сифатида қўлланилган навлари ўта устунликни намоён қилди. Янги яратилган бир оилага мансуб цитрус ўсимликлари лимони «Турон» навида ва лимони «ZM-San at» навида грейпфрутни помело «ZF Юбилейный» навида ва грейпфрут помело «Ренессанс III» навида мандарини «Янги Ўзбекистон» мандарини навларида дурагай комбинацияларни бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Назоратдаги цитрус ўсимлиги лимонни «Лиссабон» нави лимонни «Пандероза» нави грейпфрутни «Помело» нави ва мандаринни «Клемантин» навларида бу ҳолни акси кузатилди.

Бу белги бўйича цитрус ўсимликлари ўртасида фарқ катта бўлмади. Тезпишарлик яратилган Янги «Турон» навида 198 кундан 210 кун оралиғида бўлса, назорат нави сифатида иштирок этаётган коллекцион «Лиссабон» навида эса 270 кунгачани ташкил этди. Лимонни яратилган «ZM-San at» навида 202-205 кунда пишиб етилган бўлса, назорат нави сифатида иштирок этаётган коллекция нав намунаси Панлероза навида 270 кунда пишгани кузатилди.

Тезпишарлик «ZF Юбилейный» нави ва Грейпфрут помело «Ренессанс III» навларида тегишли равишда 205 кундан 207 кунгача ва 207 кундан 210 кунгачани ташкил этган бўлса, назорат нави сифатида иштирок этган грейпфрут Помело навида белги бўйича кўрсаткич 270 кунни ташкил этди.

Мандариннинг янги яратилган «Янги Ўзбекистон» навида эса тезпишарлик 208-210 кунни ташкил этиб, назорат нав сифатида иштирок этган мандариннинг «Климантин» нави (270 кун) навидан 60-62 кунга тезпишарликни намоён этди.

Янги яратилган навларни кўчатларини кўпайтиришда вегетатив усулда қаламчалардан кўчатлари кўпайтирилади. Иссиқхоналарда етиштирилаётган цитрус ўсимликлари полиэтилен плёнка остида ва ойнавандли иссиқхоналарда етиштирилади. Ойнавандли иссиқхоналар остида етиштирилган цитрус мевалар ўта ширин ва сифатли бўлиб етилади. Полиэтилен плёнка остида етиштирилган цитрус мевалар нордон, сифати пастроқ бўлиб етилади.

Хулоса қилиб айтганда, цитрус ўсимликларида тезпишарлик асосий қимматли хўжалик белгиларидан ҳисобланади. Яратилган лимоннинг Янги «Турон» ва «ZM-San at» навлари, грейпфруктнинг Помело «ZF Юбилейный»

1–жадвал.

Янги яратилган цитрус ўсимлик навларини вегетация даври кўрсаткичлари

№	Цитрус ўсимлик навлари	Ўсув даври (м)			Гуллаш (кун)		Мева тугиш (кун)			
		2019 йил	2020 йил	2021 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил
1	ЛИМОН Назорат «Лиссабон» нави.	1,20	2,35	3,50	12-14	12-14	12-14	270	270	270
	Янги «Турон» нав.	0,55	0,75	0,90	9-12	9-12	9-12	198	200	200
2	ЛИМОН Назорат «Пандероза» нави.	1,55	2,75	3,80	12-14	12-14	12-14	270	270	270
	«ZM-San at» нави.	0,60	0,85	0,99	9-12	9-12	9-12	202	205	205
3	ГРЕЙПФРУТ Назорат «грейпфрут помело. нави»	1,60	2,85	3,90	12-14	12-14	12-14	270	270	270
	Грейпфрут помело «ZF Юбилейный» нави	0,75	0,88	0,93	10-12	10-12	10-12	205	207	207

4	ГРЕЙПФРУТ Назорат «Грейпфрут помело» нави. Грейпфрут помело «Ренессанс III» нави.	1,67	2,88	3,98	12-14	12-14	12-14	270	270	270
		0,80	0,90	0,99	10-12	10-12	10-12	207	210	210
5	МАНДАРИН Назорат «Клмантин» нави. «Янги Ўзбекистон» нави.	1,15	2,10	3,20	12-14	12-14	12-14	270	270	270
		0,50	0,70	0,85	8-12	8-12	8-12	208	210	210

ва грейпфрут помело «Ренессанс III» навлари ҳамда мандариннинг «Янги Ўзбекистон» навлари тезпишар навлар ҳисобланди.

Бир дона цитрус мевасининг ҳосилдорлиги .

Цитрус меваларда бир дона ҳосилдаги цитрус мева хом-ашёси вазни ва битта ўсимликдаги цитрус мевалар сони цитрус меваси ҳосилдорлигини белгиловчи муҳим компонентларидан бири ҳисобланади. Цитрус мева навлари асосан битта ҳосилдаги цитрус хом-ашёсининг вазнига қараб фарқ қилади. Бир оилага мансуб цитрус навларда ҳосил хом ашёсининг вазни навига қараб 120 грамм дан 2 кг гача бўлади (2-жадвалга қаранг).

2–жадвал

Цитрус ўсимликларида бир дона мевадаги ҳосил хом ашёси вазни

Цитрус ўсимлик навлари	1 дона ҳосилни ўртача вазни, кг/г			1 туп ўсимликдаги ҳосилни ўртача вазни, кг			20 туп ўсимликдаги ҳосилни ўртача вазни, кг		
	2019 й.	2020 йил	2021 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил
Назорат лимони «Лиссабон» нави.	300	320	320	25	28	30	500	600	600
Лимон «Турон» нав	340	350	350	35	40	45	700	800	900

Назорат Лимони «Пандероза» нави.	500	550	550	20	25	30	400	500	600
Лимон «ZM-San at» нави	610	600	600	37	42	45	740	850	900
Назорат Грейпфрут «грейпфрут помело нави»	580	600	600	23	28	30	450	550	600
Грейпфрут грейпфрут помело. «ZF Юбилейный» нави. г	710	715	715	40	40	45	800	800	900
Назорат грейпфрут “Помело. нави»	650	680	685	23	28	30	450	550	600
Грейпфрут Грейпфрут помело «Ренессанс III» нави	800	800	800	42	42	45	850	850	900
Назорат мандарин «Клмантин» нави.	120	125	125	25	25	30	500	500	600
Мандарин Мандарини «Янги Ўзбекистон» нави	130	135	134	35	40	45	800	800	900

Цитрус меваларнинг қимматли хўжалик белгиларидан бир дона ҳосилдаги ва бир дона уруғдаги цитрус хом-ашёси вазни, яъни ҳосил ва уруғ йириклиги асосий белгилардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам селекция ишида бу белгининг генетик жиҳатдан ирсийланишини таҳлил қилиш катта аҳамият касб этади.

Бир дона цитрус мевадаги ҳосили ва уруғи цитрус хом-ашёси вазни бўйича олиб борилган изланишларда янги яратилган цитрус ўсимликларда бу белги кўрсаткичи назоратга нисбатан бирмунча ўзгача кўриниш намоён қилди.

Ҳосил йириклиги белгиси бўйича янги яратилган цитрус меваларида бир оилаларига мансублиги бўйича таҳлил қилинганда назоратдаги цитрус ўсимликлари кўрсаткичига нисбатан сифатлилиги ва афзалликлари кузатилди (3-жадвал).

Янги яратилган цитрус мевалар навларида уруғ вазни юқори натижа берганлиги кузатилди.

3–жадвал.

Цитрус ўсимликларида уруғ вазни кўрсаткичлари

№	Цитрус ўсимлик навлари	1 дона уруғнинг ўртача вазни,(г)	100 дона уруғнинг ўртача вазни,(г)	1000 дона уруғнинг ўртача вазни,(г)
1	Назорат лимони «Лиссабон» нави	0,0514	5,14	51,4
2	Лимон «Турон» нави.	0,0520	5,2	52
3	Назорат Лимони «Пандероза» нави.	0,1028	10,28	102,8
4	Лимон «ZM-San at» нави	0,1030	10,3	103
5	Назорат Грейпфрут «грейпфрут помело нави»	0,1032	10,32	103,2
6	Грейпфрут грейпфрут помело. «ZF Юбилейный» нави. г	0,1033	10,33	103,3
7	Назорат «грейпфрут помело. нави»	0,1030	10,30	103
8	Грейпфрут Грейпфрут помело «Ренессанс III» нави	0,1035	10,35	103,5
9	Назорат мандарин «Клмантин» нави.	0,510	51	510
10	Мандарин «Янги Ўзбекистон» нави	0,512	51,2	512

Лимонни назорат коллекцион «Лиссабон» навидан янги яратилган лимоннинг «Турон» навида, лимонни назоратдаги коллекцион «Пандероза» навидан янги

яратилган лимоннинг «ZM-San at» навида, грейпфрутни назоратдаги коллекцион «Грейпфрут помело нави» га нисбатан янги яратилган Грейпфрут помело «ZF Юбилейный» навининг, грейпфрутни назоратдаги коллекцион «Грейпфрут помело» навига нисбатан янги яратилган Грейпфрут помело «Ренессанс III» навининг, мандариннинг назоратдаги коллекцион «Клмантин» навидан янги яратилган мандариннинг «Янги Ўзбекистон» навларининг 1 дона уруғнинг ўртача вазни, 100 дона уруғнинг ўртача вазни, 100 0 дона уруғнинг ўртача вазни бўйича устунликлар намоён бўлди.

Демак, хулоса тарзида таъкидлаб ўтиш жоизки, юқори ҳосилдорликка эга, цитрус экинларини истиқболли маҳаллий навлари яратилди ва улардан уруғ вазнини оширишда бошланғич ашё сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Биологик ва селекцион цитрус ўсимликларнинг асосий морфоҳўжалик белгилари

Республикада киш ойларида салқин келиб айниқса, феврал ойида иссиқхона иқлим шароити кунлар совуқ келиши оқибатида иссиқхона тажриба майдонларида селекцион материалларни экиш ишлари кечикиши кузатилмоқда. Ундан ташқари, ёз фаслининг июль ойларида ҳароратни ҳаддан зиёд кўтарилиб кетиши албатта цитрус ўсимлик ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. Бошқа томондан эса бу шароит селекцион иссиқхоналарда нисбатан тезпишар ва ҳосилдор цитрус ўсимлик навларни ажратиш олиш имкониятини яратди.

Цитрус ўсимликлар экилган иссиқхоналарда биологик кўчатзордаги янги яратилган лимони «Турон» нави, лимони «ZM-San at» нави, грейпфрут помело «ZF Юбилейный» нави, грейпфрут помело «Ренессанс III» нави, мандаринни «Янги Ўзбекистон» навлари асосий морфоҳўжалик белгилари бўйича ўрганилди. Бунда тезпишарлик, бир дона цитрус мева ҳосилидаги хом-ашёси вазни, 1000 дона цитрус ўсимлиги уруғи ва мева вазни, касалликларга бардошлилик ва ҳосил сифат кўрсаткичлари таҳлил қилинди.

Жадвалда келтирилган маълумотлардан назоратдаги лимонни «Лиссабон» нави, лимонни «Пандероза» нави, грейпфрутни «грейпфрут помело нави», мандаринни «Клмантин» навига нисбатан тезпишарликни намоён қилганини кўриш мумкин. Грейпфрут помело «Ренессанс III» нави ва мандарини «Янги Ўзбекистон» навларида кўрсаткич 200 кунни ташкил этгани ҳолда тезпишар бўлди (4-жадвалга қаранг).

Бир дона цитрус мева ҳосилидаги хом-ашёси вазни бўйича барча навларни назорат навга нисбатан устунлик қилгани кузатилиб, бу кўрсаткич 6,7 г. дан 7,2 г. гача ораликда бўлди. Назорат мандарини «Клмантин» навида эса бир дона цитрус мева ҳосилидаги кўсақдаги хом-ашёси вазни 5,3 г. ни ташкил этди.

1000 дона цитрус ўсимлиги уруғи ва мева ҳосил вазни кўрсаткичи селекцион материалларнинг бир дона ҳосилдаги хом-ашёси вазини ва иссиқхона иқлим шароитида ривожланишини белгиловчи омиллардан бири ҳисобланади. Яратилган навларнинг барчасида 1000 дона уруғ ва ҳосил вазни юқори бўлди.

Янги яратилган цитрус ўсимлик навларини кўрсаткичи бўйича назоратга нисбатан юқори натижа кузатилди. Яъни, янги яратилган лимонни «Турон» нави, лимонни «ZM-San at» нави, грейпфрут помело «ZF Юбилейный» нави, грейпфрут помело «Ренессанс III» нави, мандаринни «Янги Ўзбекистон» навлари назоратдаги лимонни «Лиссабон» нави, лимонни «Пандероза» нави, грейпфрутни «грейпфрут помело нави», мандаринни «Клмантин» навларидан юқори бўлди. Ҳосил сифати кўрсаткичлари бўйича дурагай оилаларда ижобий натижалар олинди. Навларнинг ҳосил сифати талабларига тўлиқ жавоб бериши аниқланди.

Шунингдек, янги яратилган цитрус ўсимликларининги барглари Оптик микроскомда таҳлил қилинди (5-жадвалга қаранг).


**Биологик кўчатзордаги «Турон», «ZM-San at», «ZF Юбилейный», «Ренессанс III», «Янги Ўзбекистон»
навларининг назоратга нисбатан асосий морфоҳўжалик белгилари кўрсаткичлари**

№	Цитрус ўсимлик навлари	Тезпи- шар- лик, кун	1 та ҳосил вазни, г.	1 тупда ҳосили ўртача вазни (кг)	Ўртача ҳосил- лиги 1 сотих кг	1000 дона ҳосили вазни, кг.	Цитрус мева ўсимлиги барги . см		Цитрус ўсимликни ҳосилдорлиги 1 сотих исиқхонага 2x2 шахмат усулда 20 туп кўчат экилган кг/т		
							эни	Узун лиги	2 ёшли кўчат	3 ёшли кўчат	4 ёшли кўчат
1	ЛИМОН Назорат «Лиссабон» нави	270	320	30	600	320 кг	4	6	12	22	30
2	ЛИМОН Янги «Турон» нав	200	340	45	900	340 кг	6	8	25	50	100
3	ЛИМОН Назорат «Пандероза» нави	270	500	30	600	500 кг	6	10	10	20	33
4	ЛИМОН «ZM-San at» нави	205	600	45	900	600 кг	8	12	30	50	120
5	ГРЕЙПФРУТ Назорат «грейпфрут помело»	270	650	30	600	650 кг	7	11	10	20	30
6	ГРЕЙПФРУТ помело «ZF Юбилейный» нави	207	580	45	900	580 кг	9	13	22	50	110
7	ГРЕЙПФРУТ Назорат «грейпфрут помело»	270	550	30	600	550 кг	7	11	10	22	35
8	ГРЕЙПФРУТ помело «Ренессанс III» нав.	210	650	45	900	650 кг	11	14	22	45	100
9	Мандарин Назорат «Клмантин» нави.	270	120	30	600	120 кг	3	6	13	23	30
10	Мандарин «Янги Ўзбекистон» нави	210	315	45	900	315 кг	5	8	25	45	60


**Янги яратилган цитрус ўсимлик баргларининг ОПТИК микроскоптадаги
микронлар**

№	Цитрус ўсимлик нави	Цитрус ўсимлик баргларининг Motic 210 микронлари МКМ				баргининг		
		Микра-скоп микрон	Микра-скоп микрон	Микра-скоп микрон	Микра-скоп микрон	сана йил.	Эни см.	Узунлиги см.
1	Мандаринни Тошкент нави	200 mkm	77 mkm	77 mkm	77 mkm	2019 йил	5	8
2	Апельсиннинг Ўзбекистон	200 mkm	77 mkm	20 mkm	20 mkm	2019 йил	6	10
3	Грейпфрутни помело Зайнутдин	200 mkm	77 mkm	77 mkm	20 mkm	2019 йил	14	18
4	Лимонни Турон нави	200 mkm	77 mkm	77 mkm	20 mkm	2021 йил	10	8
5	Лимонни “ZM-San at” нави	200 mkm	77 mkm	200 mkm	20 mkm	2021 йил	13	16
6	Грейпфрутни помело ZF Юбилейный	200 mkm	77 mkm	77 mkm	20 mkm	2021 йил	14	17
7	Мандаринни ЯНГИ Ўзбекистон	200 mkm	77 mkm	20 mkm	20 mkm	2021 йил	5	8
8	Грейпфрутни помело РЕНЕССАНС III	200 mkm	77 mkm	77 mkm	20 mkm	2022 йил	15	17


Мандаринни Тошкент навини барги. 1-200 мкм, 2-77 мкм, 3-77 мкм, 4-77 мкм.




Апельсиннинг Ўзбекистон навини барги. 1-200мкм, 2-77мкм, 3-20 мкм, 4-20 мкм




Грейпфрутни помело Зайнутдин нави. 1-200мкм, 2-77мкм, 3-77 мкм, 4-20 мкм




Лимрни Турон навини барги. 1-200мкм, 2-77мкм, 3-77 мкм, 4-20 мкм




Лимрни ZM-San at навини барги. 1-200мкм, 2-77мкм, 3-200 мкм, 4-20 мкм




Грейпфруктни помело ZF Юбилейный нави. 1-200мкм, 2-77мкм, 3-77 мкм, 4-20 мкм



Мандарини Янги Ўзбекистон навини барги. 1-200 мкм, 2-77 мкм, 3-20 мкм, 4-20 мкм.



Грейпфруктни помело РЕНЕССАНС Шнави. 1-200мкм, 2-77мкм, 3-77 мкм, 4-20 мкм



1-расм. Янги яратилган цитрус ўсимлик баргларининг ОПТИК микроскопдаги тасвирлари

Селекцион кўчатзорда янги яратилган цитрус ўсимлик навларини ўрганиш натижасида назоратга нисбатан юқори натижа кузатилди (6-жадвалга қаранг). Янги яратилган лимонни «Турон» нави, лимонни «ZM-San at» нави, грейпфрут помело «ZF Юбилейный» нави, грейпфрут помело «Ренессанс Ш» нави, мандаринни «Янги Ўзбекистон» навларини назоратдаги лимонни «Лиссабон» нави, лимонни «Пандероза» нави, грейпфрутни «грейпфрут помело нави», мандаринни «Клмантин» навдаридан юқори

бўлди. Иссиқхоналарда бир оилага мансуб цитрус ўсимликларни ўрганиш натижасида тезпишар юқори ҳосилли, сифатли, 1000 дона цитрус ўсимлиги уруғи ва мева ҳосили бўлган навлар ажратиб олинди. Янги яратилган цитрус ўсимликларининг барг пластинкасининг энининг ва узунлигининг назорат навларидан юқорилиги, фотасинтез жараёнини юқорилигидан далолат беради. Жадвал маълумотларидан энг юқори тезпишарлик лимоннинг «Турон» нави, лимоннинг «ZM-San at» нави, грейпфрут помело «ZF Юбилейный» нави, грейпфрут помело «Ренессанс III» нави, мандариннинг «Янги Ўзбекистон» навларида кузатилиб, ушбу навларнинг кўрсаткичлари 200-210 кунни ташкил этганлиги ва назорат навларида 270 кун бўлганлиги кузатилди. Пайвандлаш селекция ишларида майда бўғинли ҳосилли навалардан фойдаланилган.

Бир дона цитрус мева ҳосил хом-ашёси вазни бўйича барча ҳам янги яратилган цитрус ўсимлик навлари назорат навдан устунликни намоён этгани тажрибаларда аниқланди. Энг юқори кўрсаткич «Турон» ва «ZM-San at» лимони навлари, грейпфрут помело «ZF Юбилейный» нави, грейпфрут помело «Ренессанс III» нави, мандарини «Янги Ўзбекистон» дурагай навлари навларида кузатилиб юқори натижаларни ташкил этди.

1000 дона цитрус ўсимлиги уруғи ва мева ҳосили вазни бўйича барча оилалар назорат навдан устун бўлиб, уларнинг кўрсаткичлари юқори бўлди. Ушбу ҳолат юқорида келтирилган оилаларда бир дона цитрус мева ҳосили хом-ашёси вазни ҳам бошқа наваларга нисбатан юқори бўлиши ҳисобига намоён бўлган дейиш мумкин. Бу оилалардан келгусида юқори ҳосилдорликка эга бўлган янги цитрус ўсимлик навларини яратиш мумкин. Янги яратилган цитрус ўсимлиги барглари эни ва узунлиги бўйича аксарияти назорат навлардан нисбатан юқори бўлганлиги кузатилди. Кўпгина тажрибаларда янги яратилган цитрус ўсимлик навларини кўрсаткичи худуднинг тупроқ-иқлим иссиқхона шароитига, айниқса,

Селекцион кўчатзордаги қиматли хўжалик белгилар бўйича кўрсаткичлар

№	Цитрус ўсимлик навлари	Тезпи шарлик, кун	1 дона ҳосил вазни, г.	1 тупда ҳосили ўртача вазни кг	Ўртача ҳосилдорлиги 1 сотих кг	1000 дона ҳрсил вазни, кг.	Цитрус мева ўсимлиги барги, см		1 сотихда 20 туп ўсимликдаги ҳосили ўртача вазни, кг		
							эни	Узунлиги	2019 йил	2020 йил	2021 йил
1	ЛИМОН Назорат «Лиссабон» нави	270	320	30	600	320 кг	9	7	500	600	600
2	ЛИМОН Янги «Турон» нав	200	340	45	900	340 кг	10	8	800	900	900
3	ЛИМОН Назорат «Пандероза» нави	270	500	30	600	500 кг	11	8	500	600	600
4	ЛИМОН «ZM-San at» нави	205	600	45	900	600 кг	12	13	850	900	900
5	ГРЕЙПФРУТ Назорат «грейпфрут помело»	270	650	30	600	650 кг	15	9	550	600	600
6	ГРЕЙПФРУТ помело «ZF Юбилейный» нави	207	580	45	900	580 кг	17	12	800	900	900
7	ГРЕЙПФРУТ Назорат «грейпфрут помело»	270	550	30	600	550 кг	15	9	550	600	600
8	ГРЕЙПФРУТ помело «Ренессанс III» нав.	210	650	45	900	650 кг	18	14	850	900	900
9	Мандарин Назорат «Клмантин» нав	270	120	30	600	120 кг	3	6	500	600	600
10	Мандарин «Янги Ўзбекистон» нави	210	315	45	900	315 кг	5	8	800	900	900

вегетация давридаги агротехник кўшимча элементлар билан озиклантиришга ва тупроқни бойтишга боғлиқ ҳолда намоён бўлиши кузатилган. Ўрганилган цитрус ўсимлиги навларида қимматли хўжалик белгилари бўйича лимоннинг «Турон» нави, лимоннинг «ZM-San at» нави, грейпфрут помело «ZF Юбилейный» нави, грейпфрут помело «Ренессанс III» нави, мандарини «Янги Ўзбекистон» навларида кузатилиб назорат навлардан устунлик қайд этилди.

Иссиқхона тажрибасида баҳорги ойларнинг салқин келиши ва сентябр ойида кунлик ўртача ҳарорат ўртасидаги фарқни катталиги цитрус ўсимлигини фаоллигини оширди. Натижада ҳосилдорлик, касалликларга бардошлилик бўйича барча янги яратилган навлар умумий ҳолда 15% дан 23 % гача, назоратга нисбатан эса 8% дан 15% гача ҳосилдорликни ошгани кузатилди. Олинган натижалар ўрганилган цитрус ўсимлик навларидан келгусида тезпишар, юқори ҳосилдор, тез пишиб етиладиган сифатли ҳамда турли касалликларига нисбатан бардошли бўлган янги цитрус ўсимлиги навларини яратиш мумкинлигини кўрсатади.

Цитрус ўсимликларининг зараркунанда ва касалликларга бардошлилик кўрсаткичлари ҳамда ёш кўчатларини кўпайтириш.

Маълумки, сўнгги йилларда Республика бўйича об-ҳавонинг ноқулай келиши иссиқхоналарда кўчат экиш муддатларини кечикишига олиб келмоқда. Баҳор ойларидаги салқин об-ҳаво ва намгарчилик цитрус ўсимликлар экилган иссиқхоналарда цитрус ўсимликларни нимжон бўлишига, турли зараркунанда ва касалликлар билан зарарланишига олиб келмоқда. Вегетация ўсиш, гуллаш ва мева тугиш даврида цитрус ўсимлигини касаллик билан касалланишини кескин кўпайиши кузатилмоқда. Бу ҳолатлар цитрус ўсимликлар ҳосилдорлигига ва ҳосил сифатига салбий таъсир этиб, уларни салмоғини кескин пасайишига олиб келмоқда.

Шу нуқтаи-назардан келгусида цитрус ўсимликларни янги навларини яратишда тезпишар, зараркунанда ва касалликларга бардошли, бир оилага

мансуб цитрус ўсимликларини намуналарини ажратиб олиш мақсадга мувофиқдир.

Ёпиқ шароитда иссиқхона тажрибасидаги вегетатив усул яшил қаламчалардан кўчат кўпайтириш кўчатзорида ўрганилган янги тизмаларни лаборатория шароитида зараркунанда ва касалликларга бардошлилиги ўрганилди. Ёш кўчатларни тайёрлашда В.Тарасенко ва З.Фахриддинов усулида тайёрланди ва ушбу усулларда амалга оширилди.

Вегетатив усул яшил қаламчалардан кўчат кўпайтириш кўчатзорида ўрганилаётган янги навлар зараркунанда ва касалликларга турлича бардошлиликни намоён этди.

6-жадвалда келтирилган маълумотларга асосан цитрус ўсимликларни ёш кўчатларини тайёрлашда вегетатив усул яшил қаламчалардан қисқа муддатда илдиз оттириб кўчат тайёрланади. Қаламчаларни илдиз отиришда ҳар хил стимуляторларлар ўсишни бошқарувчи моддалар қўлланилади булар *3-индолил уксус кислота*, *КОРНЕВИН* ва *УЗХИТАН* препаратлари. Янги яратилган цитрус навларни кўчатларини қисқа илдиз оттиришда *УЗХИТАН* препарати бошқа моддаларга нисбатан фаоллиги юқоридаги жадвалда кўрсатилган.

6-жадвал

Янги цитрус ўсимлик навларини кўчатларини кўпайтиришда лаборатория шароитидаги назоратга нисбатан бардошлилиги

№	Цитрус ўсимлик навлари	<i>3-индолил уксусние кислота</i>	<i>КОРНЕВИН</i>	<i>УЗХИТАН</i>
		<i>Тўлиқ илдиз отиши кун</i>	<i>Тўлиқ илдиз отиши кун</i>	<i>Тўлиқ илдиз отиши кун</i>
1	ЛИМОН Назорат «Лиссабон» нави	45-50	50-60	40-45
2	ЛИМОН Янги «Турон» нав	40-45	45-50	25-28
3	ЛИМОН Назорат «Пандероза» нави	45-47	47-50	40-43
4	ЛИМОН «ZM-San at» нави	40-43	44-47	25-26
5	ГРЕЙПФРУТ Назорат «грейпфрут помело»	50-53	52-55	41-43

	»			
6	ГРЕЙПФРУТ помело «ZF Юбилейный» нави	40-42	43-45	26-29
7	ГРЕЙПФРУТ Назорат «грейпфрут помело»	51-54	55-57	43-46
8	ГРЕЙПФРУТ помело «Ренессанс III» нав.	43-46	44-47	25-28
9	Мандарин Назорат «Клмантин» нав	50-53	50-55	44-47
10	Мандарин «Янги Ўзбекистон» нави	41-44	40-43	25-29

УЗХИТАН препарати бошқаларга нисбатан ўсишни бошқаришда юқори афзалликларга эга эканлиги аниқланди. Лимоннинг «Турон» нави, лимоннинг «ZM-San at» нави, грейпфрут помело «ZF Юбилейный» нави, грейпфрут помело «Ренессанс III» нави, мандарини «Янги Ўзбекистон» навларида кузатилиб, назорат навлардан юқори натижаларни ташкил этди. Тадқиқотлар натижасида юқори ҳосилдорликка эга цитрус экинларини истиқболли маҳаллий навларини кўчатлари қисқа муддатда кўпайтирилди.

Цитрус ўсимлиги навларида морфоҳўжалик белгиларининг кўрсаткичлари

Бир тупдаги цитрус мева хосили хом-ашёси вазни бўйича цитрус ўсимлик кўрсаткичларни намоён этди. Ушбу белги бўйича энг юқори кўрсаткичга лимони «Турон» нави, лимони «ZM-San at» нави, грейпфрут помело «ZF Юбилейный» нави, грейпфрут помело «Ренессанс III» нави, мандарини «Янги Ўзбекистон» нави 94 (6,3 г) цитрус ўсимлик навлари эга бўлиб, уларни кўрсаткичлари назоратдаги лимони «Лиссабон» нави, лимони «Пандероза» нави, грейпфрутни «грейпфрут помело нави», мандарини «Клмантин» навларидан юқори бўлди. Ўз навбатида ушбу навларда 1 дона цитрус мева ҳосилидаги хом-ашёси вазнига мос равишда ҳосилдорлиги ҳам юқори бўлиб, бу кўрсаткич лимонни «Турон» нави, лимонни «ZM-San at» нави, грейпфрут помело «ZF Юбилейный» нави, грейпфрут помело

«Ренессанс III» нави, мандарини «Янги Ўзбекистон» навларида 39-42 г. ни ташкил этиб, назорат навлари кўрсаткичидан юқори бўлди. Ҳосилдорлик бўйича янги яратилган цитрус ўсимлик навлари бир-бирларидан кескин фарк қилмасда уларни ҳосилдорлиги назорат навидан 3-5 центнерга юқори бўлди. Лимони «Турон» нави, лимони «ZM-San at» нави, грейпфрут помело «ZF Юбилейный» нави, грейпфрут помело «Ренессанс III» нави, мандарини «Янги Ўзбекистон» навларида кўрсаткич 35,1-37,9 центнерни, назорат навида эса 33,8 центнерни ташкил этди.

Юқорида келтирилган натижалар асосида қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

цитрус ўсимликни иссиқхонага қўчатларини экилгандан кейин 50% ўсимлик навларида ҳосилдорлик бошқа навларга нисбатан юқори бўлиши кузатилди. Янги яратилган цитрус ўсимлиги лимони «Турон» нави, лимони «ZM-San at» нави, грейпфрут помело «ZF Юбилейный» нави, грейпфрут помело «Ренессанс III» нави, мандарини «Янги Ўзбекистон» нави эртаги, сифатли ва юқори ҳосилли лимон, апельсин, мандарин олиш имкониятини яратади;

цитрус ўсимликлари қаламчаларини экиш олдидан экологик хавфсиз, биологик фаол, ўсишни бошқарувчи хитозан ва УЗХИТАН препарати билан ишлов бериш натижасида яеги яратилган қўчатларни 95% фоизга, 23-28 кунда, яъни қисқа муддатда илдиз оттиришга эришилди;

бугунги кунда зарарли моддаларни ўрнига экологик хавфсиз маҳаллий хом-ашёдан олинган янги стимуляторлар – ўсишни бошқарувчи актив моддалар хитозан ва унинг ҳосилалари жумладан, УЗХИТАН препарати цитрус қўчатчилиқда қўллаш бўйича 2018 йилда Давлаткимё комиссиясинингрўйхатига киритилган.

тадқиқотлар натижасида юқори ҳосилдорликка эга, стресс омилларга бардошли цитрус экинларни янги истиқболли маҳаллий навлари яратилди.

бир оилага мансуб цитрус ўсимлик навлари яратилган ва патентлар олинган.

1. цитрус ўсимлик апельсини «Ўзбекистон» нави 2020 й;
2. цитрус ўсимлик мандарин «Тошкент» нави 2020й;
3. цитрус ўсимлик грейпфрутни «помло Зайниддин» нави 2020 й;
4. цитрус ўсимлик грейпфрутни помелр « ZF Юбилейный » нави 2020 й;
5. цитрус ўсимлик мандарини «Янги Ўзбекистон» нави 2020 й;
6. цитрус ўсимлик лимони «Турон» нави нави 2020 й;
7. цитрус ўсимлик лимони «ZM-San at» нави 2020 й;
8. цитрус ўсимлик грейпфрутни «Ренессанс III» нави нави 2020 й;
9. цитрус ўсимлик лимони«Ф-1 Тошкент » нави 1967 й;
- 10 цитрус ўсимлик лимони «Ф-2 Юбилгйный» нави 1970 й;

Мазкур навларнинг илмий ахамияти Ўзбекистон иқлим шароитига мослаштирилган, пакана ўсувчи, сервитамин, серҳосил ва касалликларга бардошлилиги билан чет элдаги цитрус ўсимликларидан ажралиб туради. Иссиқхона шароитида етиштирилаётган районлашган ва янги яратилган цитрус ўсимлик навларида морфоҳўжалик белгиларининг кўрсаткичлари, цитрус ўсимлик бўйи, кўчатлари экилгандан кейин гулга кириши, тезпишарлиги, бир тупдаги ҳосил сони юқори ҳосилдорлиги 8-жадвалда келтирилган.

Бир дона цитрус мева ҳосилини хом-ашёси вазни лимонни «Турон» нави, лимонни «ZM-San at» нави, грейпфрут помело «ZF Юбилейный» нави, грейпфрут помело «Ренессанс III» нави, мандарини «Янги Ўзбекистон» навларида назоратга нисбатан юқори бўлди. Ушбу белги бўйича юқори кўрсаткичга эга бўлган цитрус ўсимлик навларининг иссиқхона шароитидан келиб чиққан ҳолда ҳосилдорлиги шартли равишда назоратга нисбатан юқори бўлди. 9-жадвалда келтирилган маълумотлардан янги яратилган цитрус ўсимлик навларини сифат кўрсаткичлари бўйича қуйидаги натижани кўрсатганлигини кўриш мумкин. Лимони «Турон» нави, лимони «ZM-San at» нави, грейпфрут помело «ZF Юбилейный» нави, грейпфрут помело

**Иссиқхона шароитида етиштирилган цитрус ўсимликларида морфоҳўжалик белгиларининг
кўрсаткичлари (2021 йил).**

№	Цитрус ўсимлик навлари	Цитрус ўсимлик бўйи, см.	Кўчат экилган 50% гуллаши кун.	Тез пиша рлик кун	1 дона кўчат даги ҳосил сони дона	1 дона кўчатдаги ҳосил вазни, кг.	1 дона ҳосилни вазни г.	Ҳосилдорлик 1 сотих иссиқхонага 20 дона кўчат экилади кг/га.	1 сотихда 20 туп ўсимликдаги ҳосили ўртача вазни (кг)		
									2019 йил	2020 йил	2021 йил
1.	ЛИМОН Янги «Турон» нав	2,75	61,7	200	350	44	340	800-850	800	825	850
2.	ЛИМОН «ZM-San at» нави	2,80	59,9	205	300	40	600	760-800	760	775	800
3.	ГРЕЙПФРУТ помело «ZF Юбилейный» нави	2,80	63,4	207	250	41	580	800-820	800	815	820
4.	ГРЕЙПФРУТ помело «Ренессанс III»	2,80	62,8	210	240	40	650	770-800	770	775	800
5.	Мандарин Янги Ўзбекистон нави	2,50	62,4	210	390	40	315	750-800	750	770	800

«Ренессанс III» нави, мандарини «Янги Ўзбекистон» навларида бир сотих иссиқхонага 20 туп цитрус ўсимликларидан экилган ҳосилдорлиги бўйича назорат навларига нисбатан юқори натижа кузатилди.

Шунинг билан бир қаторда ушбу навларда иссиқхона шароитидаги цитрус ўсимлик ҳосилдорлигини уч йиллик кўрсаткичлари ҳам юқорилиги аниқланди. Энг юқори кўрсаткич лимонни «Турон» нави, лимонни «ZM-San at» нави, грейпфрут помело «ZF Юбилейный» нави, грейпфрут помело «Ренессанс III» нави, мандарини «Янги Ўзбекистон» навларида кузатилиб, ҳосилдорлиги шартли равишда назоратга нисбатан юқорилиги тажрибаларда кузатилди. Тадқиқотлар натижасида юқори ҳосилдорликка эга, стресс омилларга бардошли цитрус экинларини истиқболли маҳаллий навлари яратилиб қатор туманларда тадбиркор фермерлар ўз иссиқхоналарида синашмоқда (9-жадвалга қаранг).

9-жадвал.

**Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги иссиқхонада
етиштирилаётган янги яратилган цитрус ўсимлик навларини сифат
кўрсаткичлари.**

№	Цитрус ўсимлик навлари	1000 дона ҳосилни вазни, кг.	1 дона кўчатдаги ҳосил сони дона	1 дона ҳосилни вазни г.	Ҳосилдорлик 1 сотих иссиқхонага 20 дона кўчат экилади кг/га	Тезпи шарлик кун
1	ЛИМОН Турон	340	350	340	850-900	200
